


САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФОТОАЛЬБОМИ





РЕКТОР КИРИШ СЎЗИ



САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Университетга кириш ҳар бир инсоннинг келгуси ҳаёти ва тақдирини белгиловчи муҳим қадамдир. Шунга кўра Сизнинг келажакда қайси соҳа мутахассиси бўлишингизни белгилаб берувчи олий таълим муассасасини аниқлаб олишингиз жуда муҳимдир.

Агар Сиз Самарқанд давлат университетида олий маълумот олишга қарор қиласангиз, бу шубҳасиз, тўғри қарор бўлади.

Самарқанд давлат университети Ўзбекистондаги энг қадимий ва йирик олий таълим муассасаларидан биридир. Университетда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан келган 27 000 дан зиёд яқин талаба таҳсил олади.

Университет таркибига 18 факультет, шу жумладан, халқаро таълим маркази тайёрлов бўлими ва тил маркази, шунингдек, қатор илмий ва ўкув лабораториялари киради. 3,5 миллион китобларни ўз ичига олевчи Абдураҳмон Жомий номидаги ахборот-ресурс маркази Ўзбекистон университетлари тизимида ягонадир.

Спорт комплекси, тиббиёт маркази, компьютер хоналари, ижодий марказлар кабилар билан университет ҳақли равишда фахрлана олади.

Биз ўз олдига замонавий илғор технологиялар асосида сифатли таълим олишни мақсад қилиб қўйган ёшларни СамДУ талabalari сафида кўришдан баҳтиёрмиз. Доимо янгиликка интилинг, тиришқоқ бўлинг ва қийинчиликлардан сира чўчиманг. Бунинг барчаси Сизнинг лаёқатингизни юзага чиқаришга ва илм-фандада, жамиятда ўз ўрнингизни топишингизга албатта ёрдам беради.

Сизни университетда кутиб қоламиз!

**Хурмат билан, СамДУ ректори
Професор Р.И. Халмурадов**



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СамДУда Ўқишиш учун 5 сабаб



1. Замонавий таълим
2. Ўзбекистон – Буюк Ипак Йўли устида
3. Самарқанд – UNESCO жаҳон мероси шаҳри
4. Дўстона халқ
5. Комфорт ва тинчлик



600 йил -
асрлар
анъаналардан,
замонавий
инновациялар
гача




1420

2021



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УНИВЕРСИТЕТ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ



Самарқанд илм-фани ва маданияти жаҳонга танилишида Самарқанд давлат университетининг ўрни бекиёсdir. Бугунги кунда СамДУ Марказий Осиёдаги энг қадимги ва йирик олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, у ҳозирги кўринишда расмий равишда XX асрнинг бошларидан фаолият кўрсатаётган бўлсада, унинг тарихий илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақалади (XV аср). Илму-фан, маънавият ва маърифат тарғиботчилари бўлган темурийлар хукмронлиги даврида Мовароуннахр ҳудудида, хусусан, Самарқанд шаҳрида фан ва таълим тараққиёти учун тўлиқ асос яратилди. Соҳибқорон Амир Темур, унинг фарзандлари ва набиралари томонидан бунёд этилган қатор мадрасалар диний ва дунёвий билимлар берувчи зиё масканлари эди. Айниқса, ўзбек илмининг фахри бўлган Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг яратган илмий мактаби, унинг салоҳияти буюклиги бугунги кунларда жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилган. Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси олияси, шак-шубҳасиз, Самарқанд дорилфунунининг «бешиги», унинг ташкилий асоси ва негизидир. Ушбу «Алма-матер» да Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Али Қушчи, Мавлоно Нафис Самарқандий, Бадаҳшӣ каби мавлонолар таҳсил олишган ва кейинчалик толиби илмларга сабоқ беришган.

Мирзо Улуғбек астрономик мактабининг вакиллари Фиёсиддин Коший, Жамшид ибн Маъсуд, Қозизода Румий, Али Қушчи, Муҳаммад Хавоғийлар мадрасаса-дорилфунунда математика, астрономия, ҳисоблаш асослари, география каби дунёвий фанлардан дарс берганлар.

Шундай қилиб, Самарқанд давлат университетининг илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақалади. Бунинг исботи сифатида нуфузли адабиётчи олимимиз, академик Ботурхон Валихўжаевнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» рисоласида Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаси



олиясининг бевосита вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг таъсис этилиш тарихига (1420 милодий йил) бориб тақалади, деган илмий хулосасини келтириш жоиздир.



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УНИВЕРСИТЕТ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Темурийлар давридаги олий таълим анъаналари кейинги асрларда ўз давомини мадрасалар бағрида топди ва большевиклар давригача узлуксиз таълим олиш даргоҳи сифатида хизмат қилди. 1918 йили Тошкентда ташкил топган Миллий дорилфунуннинг ўзига хос таълим жабхалари Самарқандда ҳам юзага кела бошлади ва ниҳоят 1927 йил 3 январда Самарқанд олий педагогика институтини таъсис этиш түгрисидаги қарор эълон қилинди. Дастраслабки йилларда бу олий даргоҳда ижтимоий-сиёсий фанлар, физика, техника, табиатшунослик, филология бўлимлари мавжуд эди.

Олий таълим муассаси ўзининг фаолияти давомида бир неча юз минглаб юқори малакали мутахассисларни етказиб берди. Бинобарин Иброҳим Мўминов, Султон Умаров, Убай Орипов, Яхё Гуломов, Аловуддин Баҳовуддинов, Воҳид Абдуллаев, Акбар Отакўжаев, Акобир Адҳамов, Тошпўлат Ширинқўлов, Ботурхон Валихўжаев, Сайд Шермуҳаммедов, Шавкат Воҳидов, Толиб Мўминов, Муҳсин Ашурев каби академик -олимлар шулар жумласидандир.

Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Усмон Носир, Ҳабиб Юсуфий, Шароф Рашидов, Аскад Мухтор каби ўнлаб ижодкорлар ҳамда давлат, маданият ва фан арбоблари мана шу университетда вояга етганлар. Университет бағридан Самарқанддаги қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, кооператив, чет тиллар институтлари ўсиб чиқиб мустақил олий ўқув юртларига айландилар.

Олий таълим муассасасамизнинг бугунги кундаги ривожи ва тарихи турли вақтларда ректорлик қилган Н.Меркулович, К.Абдуллаев, А.Валиев, Ҳ.Файзуллаев, М.Мўминов, Р.Олимжонов, К.Зокиров, А.Тўлаганов, В.Абдулласв, Е.Тўракулов, А.Отакўжаев, Ш.Алимов, М.Жўракулов, Т.Мўминов, Ж.Сатторов, Т.Ширинов, О.Халмуҳамедов ва Р.Халмурадовларнинг фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир.

1991 йил 31 август - ҳалқимизнинг асрий ва миллатимиз тарихида унутилмас сана бўлиб қолди. Мана шу муқаддас кундан эътиборан миллат ва Ватан ҳаётида туб бурилиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик даври бошланди. Бу тарихий бурилиш Самарқанд университети зиммасига катта масъулият ва бутунлай янги вазифалар юклади.


Мустақиллик йилларида СамДУнинг ўқув, илмий ва маънавий-маърифий соҳалардаги фаолияти шаклан ва мазмунан янгиланди. Ҳозирги пайтда СамДУ таркибида ўн саккизта факултет, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, ҳалқаро алоқалар маркази, академик лицей, ўқув ва муаммовий илмий тадқиқот лабораториялари, замонавий компьютер синфлари, қатор музейлар, оранжерия ва ботаника боғи, илмий кутубхона, ётоқхоналар, дам олиш ва даволаниш масканлари, спорт мажмуалари мавжуд. Университетимиз талabalari жаҳон ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Кейинги ўн йил ичида университетда ўттиздан ортиқ жаҳон Чемпионлари, ўнга яқин жаҳон чемпионати совриндорлари, ҳалқаро олимпиада ўйинлари иштирокчилари, ўндан ортиқ осиё чемпионлари, юздан ортиқ Ўзбекистон чемпионлари, Республика талabalар универсиадаси чемпионлари, ўндан ортиқ ҳалқаро тоифадаги спорт усталари етишиб чиқди.

Университетда 70 дан ортиқ таълим йўналишларида бакалавриат ва 50 дан ортиқ йўналишларда магистрлик мутахассисликлари бўйича жами 21632 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 100 дан ортиқ фан докторлари ва профессорлар. 400 га яқин фан номзодлари ва доцентлар, жами 900дан зиёд профессор-ўқитувчилар ўзбек, рус ва тожик тилларида сабоқ бермоқдалар.



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



Самарқанд давлат университети жаҳоннинг кўплаб олий таълим муассасалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамғарма ва фондлари билан илмий-амалий, ижтимоий иқтисодий, маданий ва таълим соҳаларда ҳамкорлик олиб бормоқда. Университет жаҳоннинг энг нуфузли 80дан ортиқ давлатлари олий таълим муассасалари билан расмий битим ва шартномалар имзоланган. Бу шартномалар ўқув-услубий ишларини такомиллаштиришга, илмий-тадқиқот ишларини сифати ва самарадорлигини оширишга, профессор ўқитувчи ва талабалар алмашинуви, илмий мақола ва материаллар алмashiш, ҳамкорликда халқаро анжуман ва семинарлар ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилган.





ФАКУЛТЕТЛАР



ТАБИИЙ ФАНЛАР:

1. МАТЕМАТИКА
2. ФИЗИКА
3. БИОЛОГИЯ
4. КИМЁ
5. РАҶАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ХАЛҚАРО:

12. ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ
ДАСТУРЛАРИ



ТИЛ:

13. ФИЛОЛОГИЯ



САНЪАТ ВА СПОРТ:

14. СПОРТ ФАОЛИЯТИ ВА
САНЪАТ

2020 ЙИЛДА ОЧИЛГАН ЯНГИ ФАКУЛТЕТЛАР:

6. ТАРИХ
7. ГЕОГРАФИЯ ВА
ЭКОЛОГИЯ
8. МАКТАБГАЧА ВА
БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ
9. ИНСОН РЕСУРСЛАРНИ
БОШҚАРИШ
10. ПСИХОЛОГИЯ
ВА ИЖТИМОИЙ
МУНОСАБАТЛАР

15. АГРО-
БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР

16. ҲУҚУҚШУНОСЛИК



САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ





МАТЕМАТИКА



Механика - математика университетнинг қалдирғоч факултетларидан ҳисобланади. 1927 йилда ташкил этилган Самарқанд олий педагогика институтининг (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) физика-математика бўлими ҳозирги Механика-математика факултетининг пойдевори ҳисобланади. 1962 йилда Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факултети базасида Механика-математика факултети ташкил этилди



Бакалавриат:

- Математика
- Механика
- Математика ўқитиши методикаси



Магистратура:

- Функционал анализ
- Математик анализ
- Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси
- Дифференциал тенгламалар ва математик физика
- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
- Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси




Таянч докторантурा (PhD) ва докторантурा (DSc):

- Дифференциал тенгламалар ва математик физика
- Математик анализ



Ўқитувчилар:


Академик, 12 фан доктори, профессор, 31 фан номзоди, доцентлар, 45 ўқитувчи





САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА



1927 йилдан бошлаб Ўзбек давлат университетида (хозирги СамДУ) физика мутахассислар тайёрлаш, физика-математика факултети таркибида, фаолият олиб борилган. Самарқандда физиклар тайёрлаш ишига Россиядан таклиф этилган олим проф. А.М.Титов раҳбарлик қилган. Академик А.Отахужаев, проф. Л.М.Собиров, академик Т.Муминов Ўзбекистон Республикаси Абу Райхон Беруний давлат мукофоти лауреатлари. Физика факултетида 2 ноёб қурилма МТ-22с русумли электрон тезлатгич ва кўзгуси диаметри 0,48 бўлган оптик телескоп бор

Самарқанд ш.,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 19 40
fizika@samdu.uz
 <http://www.samdu.uz/fakultet/fizika-fakulteti>



Бакалавриат:

Физика

Физика ва астрономия
ўқитиши методикаси

Биотиббиёт физикаси

Астрономия



Магистратура:

Физика

Назарий физика

Гелиофизика ва қуёш
энергиясидан фойдаланиш

Конденсацияланган холатлар
физикаси ва материалшунослик

Атом ядрои ва элементар
заррачалар физикаси,
тезлаштирувчи техника

Астрономия



**Таянч докторантура (PhD)
ва докторантура (DSc):**

Физика

Назарий физика

Гелиофизика ва қуёш
энергиясидан фойдаланиш

Конденсацияланган холатлар
физикаси ва материалшунослик

Атом ядрои ва элементар
заррачалар физикаси,
тезлаштирувчи техника

Астрономия

Магнит ҳодисалар физикаси

Лазер физика

Оптика



Ўқитувчилар:

2 академик, 12 фан доктори,
профессорлар, 40 фан номзоди ва
доцентлар, 18 катта ўқитувчи



Ҳамкорлик:

АҚШ, Германия, Россия,
Малайзия, Корея, Англия билан
илмий алоқалар



БИОЛОГИЯ



Биология факултетида Ботаника, Ўсимликлар физиологияси, Зоология, Биокимё, Одам ва ҳайвонлар физиологияси, Генетика илмий мактаблари мавжуд бўлиб, бу мактаблар асосчилари академик К.Зокиров, Ё.Ҳ.Тўракулов, М.Риш, С.Абаева, А.Тўлаганов, П.Солдатов ва уларнинг издошлари

Самарканд ш.,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 13 05
biologiya@samdu.uz
<http://www.samdu.uz/fakultet/biologiya-fakulteti>



Бакалавриат:

Биология

Биотехнология

Доривор ўсимликларни
етиштириш ва қайта
ишлаш технологияси

Биология ўқитиши
методикаси



Магистратура:

Биология

Биотехнология

Ихтиология/Гидробиология

Зоология



Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):

Одам ва ҳайвонлар физиологияси
Ўсимликлар физиологияси ва
биокимёси

Биологик тадқиқотлар,
экспедициялар

Ихтиология

Энтомология

Орнитология



Ўқитувчилар:

7 фан доктори, профессорлар, 32
фан номзоди, доцентлар

Ўқув лабораториялари:

энг замонавий хорижий
лаборатория асбоблари
билин жиҳозланган

Зоология музейи:

4000 дан ортиқ экспонатга эга

Оранжерея:

1000дан ортиқ нусхадаги 250га
яқин тур ўсимликлар ўстирилмоқда

Гербарий фонди:

минглаб нусхадаги гербарийлар

Энтомологик коллекция:

маҳаллий фаунада учрайдиган барча турдаги ҳашаротлар коллекцияси
мавжуд





САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КИМЁ



Университетда кимёвий фанлар соҳасидаги тадқиқотлар бошланиши 1928 йилдан бошланади. Унинг лабораторияда кимё фанининг муҳим бўлимлари: ноорганик, органик, аналитик, физиковий ва коллоид кимё фанлари бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Кимё бўлими олимларининг илмий-амалий ишларининг асосий йўналишлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минерал ўғитлар, ўсимликлар кимёси, суюқликлар хроматографияси, турли органик моддалар каталитик синтези, биологик фаол моддалар синтези, янги органик реакциялар типлари, комплекс бирикмалар кимёси, анорганик газларни узлуксиз автоматик аниқлаш каби қатор муаммоларнинг ечимларига қаратилган

Самарканд ш.,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 16 33
 biologiya@samdu.uz
 [http://www.samdu.uz/
fakultet/kimyo-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/kimyo-fakulteti)



Бакалавриат:

- Кимё
- Материалшунослик ва янги материаллар кимёси
- Кимёвий технология
- Кимё ўқитиши методикаси



Магистратура:

- Кимё
- Материалшунослик ва янги материаллар



Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):

- Аналитик кимё
- Ноорганик кимё ва материалшунослик
- Физиковий ва колloid кимё
- Органик ва биоорганик кимё
- Юқори молекуляр бирикмалар (кимё фанлари)
- Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)



Ўқитувчилар:

61 профессор, 6 фан докторлари-профессорлар ва 31 фан номзодлари – доцентлар



Ҳамкорлик

Дехли миллий технология университети
Санкт-Петербург давлат университети
Россия кимё-технология университети
Новосибирск давлат университети
Ўзбекистон ФА институтлари
Москва давлат университети
Қозон давлат университети
Рига давлат университети





САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҦАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Рақамли технологиялар факултети 2017 йилда механика-математика факултетидан ажралиб, Амалий математика ва информатика факултети номи билан қайта ташкил этилди. Факултет 2020 йил 1-июльдан Рақамли технологиялар деб номлана бошланди



Бакалавриат:

- Амалий математика
- Дастурий инжиниринг
- Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари



Магистратура:

- Таълимда ахборот технологиялари
- Амалий математика
- Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари



Таянч докторантурा (PhD), докторантурা(DSc):

- Суюқлик ва газ механикаси
- Математик моделлаштириш, сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларни қайта ишлиш



Ўқитувчилар:

5 профессор, 19 доцент, 4 катта ўқитувчи ҳамда 30 нафар ассистент ўқитувчилар



Ўқувчилар

Мустақиллик йилларида 3 нафар ёшлар Ўзбекистон Республикаси "Президент" номидаги давлат стипендиати ва 3 нафари "Мирзо Улуғбек" стипендиати бўлган

Самарканд ш.,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 17 25

ict-math@samdu.uz

[http://www.samdu.uz/fakultet/
amalii-matematika-va-
informatika-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/amalii-matematika-va-informatika-fakulteti)






САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФОТОЛАВҲАЛАР

3





ТАРИХ



Ўзбек давлатчилиги тарихи ва халқлари маданияти тарихи бўйича тарихчи олимлар томонидан Самарқанд Археология мактаби ютуқлари, бу ўринда, археология ва ундаги экспонатлар жаҳон илм-фанини янги билимлар билан бойитишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Факультетнинг шаклланишида ва бугунги кундаги тараққиёти П.Солиев, Д.Н.Лев, М.У.Аминов, Ю.Н.Алескерев, Ф.М.Чикаев, К.Ҳ.Самибоев, М.М.Абрамов, Ҳ.Бегматов, М.Джўрақулов, Ш.Пиримқулов, Р.Мукашева, Н.Аванесова каби таниқли олимларнинг хизматлари каттадир.

Бакалавриат:	Магистратура:	Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):
Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)	Жаҳон тарихи
Археология	Археология	Археология
Тарих ўқитишиш методикаси	Ўзбекистон тарихи	Ўзбекистон тарихи
	Тарихшунослик, манбашунослик тарихи тадқиқотлар методлари	Тарихшунослик ва манбашунослик
	Музейшунослик: консервация ва бадиий бойликларни сақлаш	



Ўқитувчилар

8 фан доктори-профессор, 28 фан номзоди, доцент, 69 катта ўқитувчи ва асистентлар



Ҳамкорлик:

Санкт-Петербург университети (Россия)
Москва Давлат университети (Россия)
Новосибирск университети (Россия)
Сорбонна университети (Франция)
Варшава университети (Польша)
Болонья университети (Италия)
Индиана университети (АҚШ)



Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 13 59
tar-fak@samdu.uz
<http://www.samdu.uz/fakultet/tarix-fakulteti>



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ



География ва экология факультети 2017 йилда ташкил топган. География факультети дастлаб, 1966 йилда ташкил этилган. Факультетнинг илм-фан ва таълим маскани сифатида шаклланишида Мардон Умаров, Мади Абдужабборов, Содик Нишонов, Али Абдулқосимов, Лапас Алибеков, Зувайдулла Иззатуллаев, Шоди Холиқулов ва Субхон Аббасов каби таниқли олимларнинг хизматлари каттадир.



Бакалавриат:

1. География ўқитиш методикаси
2. Гидрометеорология
3. География
4. Экология ва атроф-муҳит мухофазаси
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)



Магистратура:

1. География (ўрганиш обьекти бўйича)
2. Гидрология (ўрганиш обьекти бўйича)
3. Экология (тармоқлар ва соҳалар
бўйича)



Ўқитувчилар:

9 фан доктори, профессор, 12 фан номзоди, доцентлар фаолият олиб бормоқдалар

А.Абдулқосимов “Эл-юрт ҳурмати”
ордени

Л.Алибеков “Ўзбекистон фан арбоби”
фаҳрий унвони



Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 16 36
geografiya_uz@samdu.uz
 [http://www.samdu.uz/
fakultet/geografiya-va-ekologiya-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/geografiya-va-ekologiya-fakulteti)



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ



Давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг таълим тизимидағи биринчи ва асосий элемент бўлган мактабгача таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу масала 16.08.2017 ва 19.10.2017 йилда бўлиб ўтган мажлисларда тўлиқ кўриб чиқилди ва 30.09.2017 йил куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилинди.



Бакалавриат:

- Мактабгача таълим
- Технологик таълим:
 - a. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
 - b. Мусиқий таълим
 - c. Мехнат таълими



Магистратура:

- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)



Ўқитувчилар:

2 фан доктори, 6 профессор,



Ўкув қўлланмаларни тайёрладилар ва чоп этдилар:

1. Ёш чемпионлар (Н.Ж. Муллажонова)
2. Юные исследователи (Н.Ж. Муллажонова)
3. Ёш тадқиқодчилар (Н.Ж.Муллажонова, З.Истамов)
4. Атроф-муҳитнинг ёш тадқиқотчилари (М.Кодиров, Э.Мардонов)
5. Ўйинларда математика (рус ва ўзбек тилларида) (Э.Мардонов, С. Файзулаев, Остонов)
6. Мактабгача таржим ёшидаги болалар жисмоний ва физиология хусусиятлари(Э.Э.Кобилов ва бошқалар)



Ҳамкорлик:

Россия давлат туризм ва сервис университети (РДУТС)
Россиянинг таълим ва илмий-тадқиқот институтлари
Гжел давлат университети (ГГУ)

Самарқанд шахри,
Спитамен шоҳ кўчаси, 166

+998 93 997 80 14
b-xaydarov@samdu.uz
<http://www.samdu.uz/fakultet/maktabgacha-talim-fakulteti>



САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА (СамДУ қошида Ўзбекистон-Финляндия Педагогика Институти)



Педагогика факультети 1966 йилда собиқ Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институти таркибида “Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим услубиёти” номи билан очилган. 1992 йилда эса Педагогика институти Самарқанд давлат университетининг таркибига қўшилган. 2021 йилда СамДУ қошида Ўзбекистон-Финляндия Педагогика Институти сифатида ажралиб чиқди.



Бакалавриат:

Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш

Педагогика ва психология



Магистратура:

Педагогика назарияси ва тарихи



Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):

Педагогика назарияси ва тарихи



Ўқитувчилар:

2 фан доктори, 19 нафар фан номзодлари

Кафедралар:

Педагогика, Бошланғич таълим методикаси, Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти.

Факултетни битирғанлардан 2 нафар фан доктори ва олий таълим муассасаларида ректорлик

қилишган, Х.Ибрагимов, М.Куронов ва У.Ташкенбаевлар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринбосари бўлиб ишлаган.



Ҳамкорлик:

Москва давлат педагогика университети

Душанбе давлат педагогика университети

Брянск давлат педагогика институти

Хўжанд давлат университети

Озарбайжон Халқаро университети ҳамда МДХ

Самарқанд шаҳри,
Муқимий кўчаси, 45-уй



+998 95 500 66 21



ped-fak@samdu.uz



[http://www.samdu.uz/
fakultet/Pedagogika-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/Pedagogika-fakulteti)





САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНСОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ



Ижтимоий-иктисодиёт факультети номи билан 1992 йилда ташкил топган. Ўз фаолиятини СамДУ амалий математика факультети таркибида бошлаган. 1997 йил 15 августда Самарқанд давлат университети таркибида мустақил "Иктиносидиёт" факультети ташкил этилган. Дастроб факультет "Иктиносидиёт" деб номланиб, факультетнинг биринчи декани проф.К.Сайдов (1997-1999 йиллар) бўлган.

Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 18 62
iqtisod@samdu.uz
 [http://www.samdu.uz/
fakultet/iqtisodiyot-va-
biznes-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/iqtisodiyot-va-biznes-fakulteti)



Бакалавриат:

Иктиносидиёт
Иктиносидиёт, кадрлар
менежменти



Магистратура:

Иктиносидий назария
Кадрлар менежменти
Рақамли иктиносидиёт
Демография. Мехнат
иктиносидиёти



Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):

Иктиносидий назария
Демография, меҳнат иктиносидиёти



Ўқитувчилар:

Фан докторлари 6 киши ва
фан номзодлари 25 киши



Ҳамкорлик:

Линcoln университети (АҚШ)
Москва давлат университети (Россия)
Борнмут университети (Буюк Британия)
Тоҷикистон давлат тиҷорат университети



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР



СамДУ илмий кенгашининг 2018 йил 6 июлдаги №13-сонли қарори ва университет ректорининг 2018 йил 24 августдаги 584-иж буйруқлари билан Фалсафа, Педагогика ва психология таълим йўналишлари очилиши муносабати билан ҳамда ижтимоий фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, Фалсафа, Психология, Ижтимоий иш, Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишларини ўз таркибига олган “Психология ва ижтимоий фанлар” факультети ташкил этилди.



Бакалавриат:

- Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)
- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
- Психология (фаолият турлари бўйича)
- Социология
- Фалсафа



Магистратура:

- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси
- Психология (фаолият турлари бўйича)
- Маънавият асослари
- Этика ва эстетика



Ўқитувчилар:

83 профессор-ўқитувчилар, булардан 7 фан доктори, профессорлар, 32 фан номзоди, PhD докторлари доцентлардир



Ҳамкорлик:

Россия давлат туризм ва сервис университети (РДУТС - Россия)
Гжел давлат университети (ГГУ - Россия)

Самарқанд шаҳри,
Муқимий кўчаси, 45-үй

+998 91 546 80 05
 rahmatulla1973@mail.ru
 [http://www.samdu.uz/
fakultet/psixologiya-va-
ijtimoiy-fanlar-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/psixologiya-va-ijtimoiy-fanlar-fakulteti)



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ҳамда СамДУ буйруғига асосан СамДУда хорижий қўшма таълим дастурларини жорий қилиш мақсадида Халқаро таълим дастурлари факультети ташкил этилди. Факультетда 2019-2020 ўқув йилида Жанубий Корея, Хитой, Истроил, АҚШ, Германия, Франция ва Россия Федерацияси давлатларининг етакчи университетлари билан бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлари доирасида меморандум ва шартномалар тузилди.



Бакалавриат:

- Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича): Сиан Жиаотонг Университети, Хитой
- Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича, Буюк ипак йўли тарихи): Шанси Университети, Хитой
- Мактабгача таълим: Сунчунхан университети, Жанубий Корея
- Амалий математика ва информатика (саноат математикаси): Холон Технология Университети, Истроил
- Мехатроника ва робототехника: Станкин Давлат Технологиялар Университети Россия
- Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича): Станкин Давлат Технологиялар Университети, Россия



Магистратура:

- Психология (амалий психология): Шанси университети, Хитой
- Ахборот ва мультимедия технологиялари (қўлланиш соҳаси бўйича); Киел университети, Германия
- Мехатроника ва робототехника: Станкин Москва Давлат технологиялар университети, Россия
- Экология (яйлов экологияси): Юта давлат университети, АҚШ



Ўқитувчилар:

Хитойнинг Шанси университети (2), Ҳиндистоннинг Дехли Университети (1), Жанубий Корея (2) ва Россиядан (1) профессор-ўқитувчилар

Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15

+998 93 835 01 27
fiep.admission@samdu.uz
<http://fiep.admission.samdu.uz/uz/>





ФИЛОЛОГИЯ



Филология факультети 1927 йилда ташкил этилган. Академиклар Садриддин Айний, Воҳид Абдулаев, Ботирхон Валихужаев ҳамда таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовлар Ўзбекистонимиз фахрига айланган. Улардан ташқари, факультетнинг илм-фан ва таълим маскани сифатида шаклланишида Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Ғози Олим Юнусов, Улуг Турсунов, Евгений Поливанов, Абдулла Сулаймонов, Ориф Икромов, Худойберди Дониёров, Ғани Абдураҳмонов, Раҳматулла Кўнғуров, Нуриддин Шукуров, Раҳмонқул Орзибеков, Назар Ражабов каби таниқли олимларнинг хизматлари каттадир



Бакалавриат:

- Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)
- Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)
- Ноширлик иши
- Филология ва тилларни ўқитиш: рус тили
- Хорижий тил адабиёти: инглиз тили
- Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гурӯҳларда)



Магистратура:

- Ўзбек тили ва адабиёти
- Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)
- Адабиётшунослик (тожик адабиёти)
- Лингвистика (ўзбек тили)
- Лингвистика (тожик тили)
- Фолклоршунослик ва диалектология
- Лингвистика (рус тили)
- Адабиётшунослик (рус адабиёти)



Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc):

- Ўзбек тили
- Ўзбек адабиёти
- Таълим тарбия назарияси ва методикаси
- Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Самарқанд шаҳри,
Университет хиёбони, 15

+998 66 239 18 92
 filoloiya_uz@samdu.uz
 <http://www.samdu.uz/fakultet/filologiya-fakulteti>



Ўқитувчилар:

12 нафар фан доктори, профессор, 25 нафар фан номзоди, доцентлар. М.Муҳиддинов ва Ҳ.Умурев “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” фахрий унвони олган. 10 нафар профессор-ўқитувчи давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган.



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СПОРТ ФАОЛИЯТИ ВА САНЬЯТ

Санъатшунослик факультети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019-йил 2-майдаги 404-сонли “Республика олий таълим муассасаларида Санъатшунослик факультетларини ташкил этиш тўгрисида”ги буйруги ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат университетининг 2019 йил 7 майдаги № 367-иж сонли буйруғи асосида ташкил этилган.



Бакалавриат

- Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш
- Ранг тасвир (дасгоҳли ва маҳобатли рангтасвир)
- Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
- Амалий санъат (Бадиий кулолчилик)
- Чолғу ижрочилиги
- Вокал ижрочилиги
- Мусиқа таълими
- Жисмоний маданият
- Спорт фаолияти (хотин-қизлар спорти)



Магистратура:

- Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси
- Мусиқа таълими ва санъат
Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси



Ҳамкорлик:

Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон)
Москва давлат педагогика институти (Россия)
Отто Фридрих университети (Германия)
Қозон давлат университети (Россия)
Томск давлат университети (Россия)
Иллинойс университети (АҚШ)
Познань университети (Польша)

Самарқанд шаҳри,
Орзу Махмудов кўчаси, 13 ўй

+998 66 222 69 27
 sanatshunoslik@samdu.uz
 [http://www.samdu.uz/fakultet/
sanatshunoslik-fakulteti](http://www.samdu.uz/fakultet/sanatshunoslik-fakulteti)





ТАБИИЙ ФАНЛАР:

17. РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- Амалий математика
- Дастурий инжиниринг
- Компьютер илmlари ва дастурлаш технологиялари

18. МАТЕМАТИКА

- Механика
- Математика
- Математика ўқитиши методикаси

19. ФИЗИКА

- Физика
- Астрономия
- Биотиббиёт физикаси
- Физика ва астрономия ўқитиши методикаси

20. БИОЛОГИЯ

- Биология (турлари бўйича)
- Биология ўқитиши методикаси
- Биотехнология (оziк-овқат, озука, кимё ва қишлоқ хўжалиги)
- Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси

21. КИМЁ

- Кимё
- Кимёвий технология
- Материалшунослик ва янги материаллар кимёси
- Кимё ўқитиши методикаси

ГУМАНИТАР ФАНЛАР:

22. ТАРИХ

- Археология
- Тарих (мамлакатлар ва миintaқалар бўйича)

23. ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

- География
- Гидрометеорология
- Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси

24. ИНСОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ

- Иқтисодиёт
- Иқтисодиёт, кадрлар менежменти

25. ПЕДАГОГИКА

- Педагогика ва психология
- Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш

26. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

- Мактабгача таълим
- Технологик таълим: Мехнат таълими
- Технологик таълим: Мусиқий таълим
- Технологик таълим: Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси

27. ПСИХОЛОГИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

- Фалсафа
- Социология
- Психология (фаолият турлари бўйича)
- Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими
- Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)

ХАЛҚАРО:

28. ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

- Мактабгача таълим
- Тарих (Буюк ипак йўли тарихи)
- Мехатроника ва робототехника
- Амалий математика ва информатика
- Материалшунослик ва янги материаллар технологияси

ТИЛ:

29. ФИЛОЛОГИЯ

- Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)
- Филология ва тилларни ўқитиши (тожик тили)
- Ноширлик иши
- Хорижий тил адабиёти: инглиз тили
- Филология ва тилларни ўқитиши: рус тили
- Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гурухларда)

САНЪАТ ВА СПОРТ:

30. СПОРТ ФАОЛИЯТИ ВА САНЪАТ

- Мусиқа таълими
- Мехнат таълими
- Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
- Жисмоний маданият
- Спорт фаолияти (хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича)

ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР (2020 ЙИЛДАН):

- 31. ҲУҚУҚ
- 32. АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯЛАР



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УНИВЕРСИТЕТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ МАГИСТРАТУРА



ТАБИЙ ФАНЛАР:

1. РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- Таълимда ахборот технологиялари
- Амалий математика
- Компьютер илmlари ва дастурлаш технологиялари

2. МАТЕМАТИКА

- Функционал анализ
- Математик анализ
- Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси
- Дифференциал тенгламалар ва математик физика
- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
- Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси

3. ФИЗИКА

- Физика
- Назарий физика
- Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш
- Конденсацияланган холатлар физикаси ва материалшунослик
- Астрономия

4. БИОЛОГИЯ

- Биология
- Биотехнология
- Ихиология / Гидробиология
- Зоология

5. КИМЁ

- Кимё
- Материалшунослик ва янги материаллар

ГУМАНИТАР ФАНЛАР:

6. ТАРИХ

- Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
- Археология
- Ўзбекистон тарихи
- Тарихшунослик, манбашунослик тарихи тадқиқотлар методлари
- Мўзейшунослик: консервация ва бадиий бойликларни сақлаш

7. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)

8. ПЕДАГОГИКА

- Педагогика назарияси ва тарихи

9. ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

- География (ўрганиш объектлари бўйича)
- Гидрология (тадқиқот объекти бўйича)
- Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- Тупроқшунослик (тадқиқот турлари бўйича)

10. ИНСОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ

- Иқтисодий назария
- Кадрлар менежменти
- Рақамли иқтисодиёт
- Демография. Мехнат иқтисодиёти

11. ПСИХОЛОГИЯ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР

- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси
- Маънавият асослари
- Этика ва эстетика
- Психология (фаолият турлари бўйича)

ХАЛҚАРО:

12. ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

- Психология (амалий психология)
- Ахборот ва мультимедия технологиялари (қўлланиш соҳаси бўйича)
- Мехатроника ва робототехника
- Экология (яйлов экологияси)

ТИЛ, САНЪАТШУНОСЛИК ВА СПОРТ:

13. ФИЛОЛОГИЯ

- Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)
- Адабиётшунослик (тожик адабиёти)
- Лингвистика (ўзбек тили)
- Лингвистика (тожик тили)
- Ўзбек тили ва адабиёти
- Фолклоршунослик ва диалектология
- Лингвистика (рус тили)
- Адабиётшунослик (рус адабиёти)


14. СПОРТ ФАОЛИЯТИ ВА САНЪАТ

- Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
- Мусиқа таълими ва санъат



САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ



ТАБИИЙ ФАНЛАР:

1. РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

- Суюқлик ва газ механикаси
- Математик моделлаштириш, сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотларни қайта ишлаш

2. МАТЕМАТИКА

- Дифференциал тенгламалар ва математик физика
- Математик анализ

3. ФИЗИКА

- Физика
- Назарий физика
- Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш
- Конденсацияланган холатлар физикаси ва материалшунослик
- Оптика
- Лазер физика
- Магнит ҳодисалар физикаси
- Астрономия

4. БИОЛОГИЯ

- Одам ва ҳайвонлар физиологияси
- Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси
- Биологик тадқиқотлар, экспедициялар
- Ихтиология
- Энтомология
- Орнитология

5. КИМЁ

- Аналитик кимё
- Ноорганик кимё ва материалшунослик
- Физиковий ва колloid кимё
- Органик ва биоорганик кимё
- Юқори молекуляр бирикмалар (кимё фанлари)
- Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)

ГУМАНИТАР ФАНЛАР:

6. ТАРИХ

- Жаҳон тарихи
- Археология
- Ўзбекистон тарихи
- Тарихшунослик ва манбашунослик

7. ПЕДАГОГИКА

- Педагогика назарияси ва тарихи

8. ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

- Табиий география

9. ИНСОН РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ

- Иқтисодий назария
- Демография, меҳнат иқтисодиёти

ТИЛ:

10. ФИЛОЛОГИЯ

- Ўзбек тили
- Ўзбек адабиёти
- Чоғиширима тилшунослик ва таржимашунослик
- Осиё ва Африка халқлари тиллари ва адабиётлари




ИЛМИЙ КУТУБХОНА



Самарқанд давлат университетининг илмий кутубхонаси Ўзбекистон Республикасининг энг катта китоб маълумотлар тўпламига эга бўлган илмий-ахборот даргоҳлардан биридир. Кутубхона МДҲ мамлакатлари халқлари нашрий асарлари, чет эл адабиётлари, қўлёзмалар ва бошқа материаллар сақланадигай жойдир. У қадимий ва жаҳон маданияти дурдоналари сақланадиган энг катта масканларидан биридир. Кутубхона кўпгина йиллар давомида йифилган маълумотларни ўзида мужассам этган кўп соҳали фондга эга. Кутубхонада дунё тилларида турли мавзулар бўйича нашр қилинган маълумотлар тўпланган. Унинг фонди хар томонлама мукаммалдир.


Кутубхонада муҳим ўринни 1917 йилга қадар нашр этилган ноёб китоблар бўлими эгаллайди. Бу бўлимда 14500 нусхага яқин рус тилидаги адабиётлар ва 1000 нусхага яқин чет тилидаги адабиётлар мавжуд.

Бу бўлимда тарих, археология, этнография, адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, этика, мантиқ, дин, табиий ва аниқ фанларга оид адабиётлар ва турли-туман материаллар йифилган. Бу бўлимда адабиётларнинг кенг ва турли хил шакллари мавжуд.





ЗООЛОГИЯ МУЗЕЙИ



1934 йилда ака-ука С.К. ва К.К. Даллар томонидан ташкил этилган 3000дан ошиқ экспонатлар, 100 йилдан ошикроқ тарихга эга бўлган экспонатлар мавжуд.

- Турон йўлбарси:** 1954 йилдан Ўзбекистон қизил китобидаги Турон йўлбарси. Факат музейимизда мавжуд.
- Ҳиндистон фили:** 1975 йил март- апрел ойларида Москва цирки билан келиб вафот этган. А.К.Сагитов ва Л.В.Ионислар бошчилигига гурухи тайёрлади ва тақдим этди.
- Бухоро буғуси,** жайрон, холдор жайрон, қора ва кўнғир айиқлар, қор барслари, ёввойи чўчқалар.
- Ўзбекистон қизил китобидаги энг нодир Туркман эублефарлари, кулранг эчкиэмар.
- Ўзбекистоннинг энг яхши мўйна берувчи ҳайвонларидан: қундуз, Ўрта Осиё тулкиси.
- Америка тимсоҳларинииг намуналари.
- Қушлар:** Оқ бошли қумой, тасқара, оқ думли сув бургути, қирон-қора ва болтаютар.


Гўзал қушларимиздан: Ҳиндистон товуси, Зарафшон қирғовулларининг бир нечта турлари, қизил ғоз, оқ лайлаклар, қора лайлаклар, оқ ва кулранг кўтандлар.





САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ



Самарқанд давлат университети бой археологик илмий тадқиқотлар анъанасига эга. Бу харакатни бошлаб берган олимлар ташаббускор профессор Д.Н.Лев ва академик Я.Ғуломовлардир. Бу илмий фаолият туфайли фақат Зарафшон воҳасида 100 дан кўпроқ турли тарихий даврларга доир археологик ёдгорликлар топилиб ўрганилди ва натижада 40000 мингдан кўпроқ ноёб илмий манбалар қўлга киритилди. Музей ходимлари дала илмий тадқиқот ишлари олиб бориши билан бир вақтда топилма манбаларни тадқиқ қилиш устида иш олиб боришадилар.

1. 1963 йили ташкил қилинган
2. Заҳирасини аждодларимиз ибтидоий маданият тарихига доир манбалар
3. Милоддан аввалги 90-70 минг йилликлардан - мелодий XII асрларга қадар
4. Аспирант ва илмий ходимлар учун тадқиқотлар олиб бориладиган марказ
5. Ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот соҳаларда фаолият кўрсатади





САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИШЕР НАВОЙИ МУЗЕЙИ



Алишер Навоий музейи 1991 йилда ташкил этилган, 2014 йилда қайта жиҳозланган. Музей қошида "Алишер Навоий ижодий меъросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш илмий маркази" очилган бўлиб, марказда ўзбек мумтоз адабиёти, Навоий ижодини ўрганиш билан боғлиқ илмий ишлар бажарилади ва шу йўналишдаги доимий семинар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Экспонатлар:

1. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди
2. Давлат арбоби сифатида олиб борган ишлари
3. Навоий даври адабиёти, маданияти, санъати билан боғлик экспонатлар
4. Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари
5. Адибнинг кейинги даврларда нашр этилган асарлари
6. Унинг хорижий тилларда нашр этилган ишларидан намуналар
7. Рассомлар ва хайкалтарошларнинг Навоий образи акс эттирилган санъат асарлари

Музей кейинги пайтларда илмий-адабий, ўқув-тарбиявий масканлардан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда Навоий ижодига бағищланган илмий анжуманлар, шеърият кечалари, мумтоз адабиётга бағищланган маҳсус машғулотлари олиб борилмоқда. Алишер Навоий музейини Самарқанд шаҳридаги барча олий ва урта маҳсус ўқув юртларининг талабалари, вилоят туманларидаги мактабларнинг ўқувчилари, шунингдек, бошқа шаҳар ва хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар томоша қилмоқда.



Манзил:
Университет хиёбони, 15-уй
Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон,
140104



+998 66 239 11 40



+998 66 239 11 40



rector@samdu.uz



<http://samdu.uz/>